

Ҳужжат имзоланган:

сана: 2022.02.21 19:30:48  
серия рақами: 7780b0ff  
компания: ООО PRIME INDUSTRIES GROUP  
СТИР: 301644147  
фиш: БАХРАМОВ ЗИЕДУЛЛАХОДЖА  
email:

сана: 2022.02.25 18:17:53  
серия рақами: 7782289b  
компания: УП МУЙНОҚ ТУМАН YULLARDAN FOY  
СТИР: 200387218  
фиш: АТАЖАНОВ МАНСУР  
email:



**11EC9322D4A6361490C61E0008000075**

электрон ҳужжат идентификатори

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

Етказиб берувчи	<u>ООО PRIME INDUSTRIES GROUP</u>	Сотиб олувчи:	<u>"МУЙНОҚ ТУМАН YULLARDAN FOYDALANISH" UK</u>
СТИР	<u>301644147</u>	СТИР	<u>200387218</u>
Манзил	<u>г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Ахмад Дониш, дом 29.</u>	Манзил	<u>МУЙНОҚ Т. ШАҒИРЛИ ОҒИ</u>

## Ҳужжат ҳақида маълумот

Ҳужжат номи	<u>Договор</u>
Ҳужжат рақами ва санаси	<u>№ Б/н дан 22.02.2022</u>
Шартномага	<u>№ 21435 дан 22.02.2022</u>

**21435-сонли  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

Нукус ш.

" 22 " феврал 2022 йил

Кейинги ўринларда «**Бошпудратчи**» деб юритиладиган Муйноқ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устави асосида иш юритувчи директор М.А.Атажанов, бир томондан ва кейинги ўринларда «**Субпудратчи**» деб юритиладиган PRIME INDUSTRIES GROUP Масъулияти чекланган жамияти Устави асосида иш юритувчи директор З.Б.Бахрамов, иккинчи томондан, «**Хоразм вилояти Урганч шаҳар аэропортидан Хива шаҳар йўналишидаги Ал-Хоразмий, Хонқа ва Саёт кўчаларини асфалтбетон копламасини сиртки ишлов бериш (ТСХ) янги технологияси билан жорий таъмирлаш**» (кейинчалик–объект) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

(Асос: Танлов учун харид комиссиясининг баённомаси 2022 йил 18 февралдаги 21435-сонли лот)

## **I. ТАЪРИФЛАР**

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Бошпудратчи томонидан Субпудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Субпудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## **II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2.1. Субпудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «**Хоразм вилояти Урганч шаҳар аэропортидан Хива шаҳар йўналишидаги Ал-Хоразмий, Хонқа ва Саёт кўчаларини асфалт бетон копламасини сиртки ишлов бериш (ТСХ) янги технологияси билан жорий таъмирлаш**» объектни кўзда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Бошпудратчи эса Субпудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## **III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Субпудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ҚҚС билан бирга Субпудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **23 810 000 000 (йигирма уч миллиард саккиз юз ўн миллион) сўми** ташкил этади ҳамда 2022 йилги манзилий дастурга асосан молиялаштирилади;

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар) таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришига энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг таъмирлаш ишлари бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

3.3. Объектни таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Бошпудратчи билан Субпудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

Агарда, Субпудратчининг айби билан объект муддатида фойдаланишга топширилмай, кейинги йилга ўтганда шартнома қиймати қайта кўрилмайди.

#### **IV. СУБПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Мазкур шартнома бўйича Субпудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Бошпудратчига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

Объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва Бошпудратчига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Шартнома шартларига асосан объектни Бошпудратчига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

Объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

Зарур ҳолларда қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди, шунингдек ёритиш чироқларини ўрнатади;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

Қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

Ўрнатилган тартибда объектни суғурталанишини таъминлайди;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларни қуриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳоказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. Субпудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Бошпудратчи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.3. Субпудратчи объектда тўлиқ иш ҳажмларини тугаллаб, охириги ҳисоб-фактура (Ф-3), ижро ҳужжатларини ўрнатилган тартибда тақдим қилган санадан 3 кун муддатда объектни фойдаланишга топшириш учун Бошпудратчига хат орқали мурожаат қилади.

4.4. Субпудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаларини ишчи комиссияси аниқлангандан кейин 5-кун муддатда, лекин 2022 йилнинг 1 сентябр санасидан кечикмаган ҳолда Бошпудратчига олиб келиб топшириш мажбуриятини олади. Шартноманинг амал қилиши муддати 2022 йил 1 сентябр.

#### **V. БОШПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Бошпудратчи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатини Субпудратчи томонидан тақдим қилинган лаборатория ҳулосаси (элашиш коэффициентига)га асосланган ҳолда ва мазкур шартномада қайд этилган Субпудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Субпудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлайди;

Субпудратчининг барча мурожаатларини уч кун муддатда кўриб чиқиб, қарор қабул қилади;

Субпудратчига 2-илова молиялаштириш жадвалига мувофиқ жорий молиялаштиришни амалга оширади;

Субпудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этади;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

6.1. Субпудратчи мазкур шартноманинг I-иловаси бажариш жадвалида белгиланган даврларда ва ҳажмларда ишларни бажаради.

Мазкур шартнома бўйича белгиланган таъмирлаш ишларининг давом этиш вақти ишларни бажариш жадвалига асосан мазкур шартнома тузилган санадан бошлаб 180 календарь кунни ташкил этади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

7.1. Бошпудратчи Субпудратчига шартноманинг 2-иловасига асосан аванс маблағи ўтказилади.

Аванс маблағи шартнома нархининг 30 фоизи миқдордан кам бўлмаган миқдорда ўтказилади.

7.2. Субпудратчи шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган муддатларда (хар ойда) бажарилган ишлар бўйича ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда расмийлаштирилиб, тақдим қилинган “Маълумотнома ҳисоб-фактура”га мувофиқ, Бошпудратчи томонидан шартноманинг 2-иловасига асосан молиялаштирилади.

7.3. Навбатдаги молиялаштириш ажратилган аванс маблағини ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, бажарилган ишларни шартномавий қийматининг 100 фоизи миқдоридан, амалдаги бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан ҳамда қабул қилингандан сўнг Бошпудратчи томонидан 5 кун муддатдан кечикмаган ҳолда амалга оширилади.

7.4. Субпудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объектда таъмирлаш ишлари харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект таъмирланишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, таъмирлашда иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

8.1. Бошпудратчи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Бошпудратчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Субпудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Субпудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Субпудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Субпудратчи қурилиш даврида Бошпудратчининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, қурилиш майдонида иш жойи, лозим топилганда ётоқ жой (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.5. Субпудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмлари ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Бошпудратчи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунигача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар Бошпудратчига топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати баланд/паст механизмларга алмаштириш ҳуқуқига эга.

8.6. Субпудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Субпудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.8. Бошпудратчи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Субпудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Субпудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Субпудратчи Бошпудратчи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Субпудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Бошпудратчига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Субпудратчи амалга оширади.

8.12. Субпудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Субпудратчи алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Бошпудратчини ва Ў.Р.Вазирлар маҳкамаси ҳузурдаги йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилувчи Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқич) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Бошпудратчининг вакили – техник назоратчи (раис), Субпудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи

ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (қўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.15. Субпудратчи Бошпудратчининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Бошпудратчининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Субпудратчи Бошпудратчининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Субпудратчи Бошпудратчининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Бошпудратчининг розилигисиз амалга оширсан, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласан жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Бошпудратчи томонидан комиссия таркибидан иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш Бошпудратчи ва Субпудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.17. Агар Бошпудратчи Субпудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласан, у ҳолда Субпудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 8.19.-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

8.18. Субпудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Субпудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Бошпудратчи ва Субпудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Бошпудратчи ишларнинг бориши, сифати ёки Субпудратчининг қайдларидан қоникмасан, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади.

Субпудратчи дафтарда Бошпудратчи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

9.1. Субпудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш ишлари тугаллангунгача ва таъмирлаш тугалланган объект Бошпудратчи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Объектда ишлар тамомланиб, фойдаланувчи ташкилот қабул қилгандан бошлаб объектнинг сақланишига жавобгар бўлади.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқсан, бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этсан, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилсан, у ҳолда Субпудратчи ва Бошпудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келишан олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

11.1. Таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафида бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Субпудратчи ташкилот томонидан Бошпудратчига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йўл қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Субпудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Бошпудратчи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.3. Субпудратчи реконструкция қилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Бошпудратчига, Бошпудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Субпудратчи, Бошпудратчига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

12.1. Субпудратчи:

Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

Лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Аниқланган нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Субпудратчи ва Бошпудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.3. Субпудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш назорат органлари томонидан амалга оширилад. Бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

13.1.. Бошпудратчи:

Шартнома кучга киргандан кейин таъмирлашнинг бошланиши Бошпудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Субпудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Субпудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга узайган ҳолда;

Субпудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Субпудратчи:

Ишларнинг бажарилиши Субпудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бошпудратчи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Бошпудратчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Бошпудратчи ва Субпудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш I ой муддатда Бошпудратчига берилади. Бошпудратчи бажарилган ишлар қийматини Субпудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-асосига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганда ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Бошпудратчи Субпудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

- белгиланган муддатда иш бошлаш учун Субпудратчига далолатнома асосида объектни топширмаса, бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Бошпудратчининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банк кунида сабабсиз Субпудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса, ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

14.3. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Субпудратчи Бошпудратчи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади:

- ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда пеня тўлайди;

- Бошпудратчи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун Субпудратчи, Бошпудратчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пеня умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

- ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб, тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охириг кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса, ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Субпудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Бошпудратчига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Субпудратчининг зиммасида бўлади.

14.5. Агарда томонлардан бири ўз реквизиатларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса, айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

14.6. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

14.7. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

14.8. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

14.9. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Субпудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Бошпудратчининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Бошпудратчи билан Субпудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Субпудратчи шартнома бўйича ишлар якунлагандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Бошпудратчи Субпудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.8. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажаргунча амал қилади.

Шартномага ишларни бажариш жадвали 1-илова ва молиялаштириш жадвали 2-илова қилинади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### БОШПУДРАТЧИ:

### СУБПУДРАТЧИ:

“Муйнак ТЙФУК”	PRIME INDUSTRIES GROUP МЧЖ
Манзили: Қорақалпоғистон республикаси Мойнок тумани Бозатау АПЖ пос Шағирли б/н	Манзили: Тошкент шаҳри, Юқусобот тумани, Ахмад Дониш кўчаси, 29-уй
Тел/факс: 99-688-93-24	Тел/факс: 78-150-48-13
х/р: 2262600000407119001	х/р: 20208000504857336005
ИНН: 200387218	ИНН: 301644147
ИФУТ: 42110	ИФУТ: 45310
Банк: “Миллий банк” Қунғирот туман бўлими	Банк: “Капитал банк” Чорсу филиали
МФО: 00888	МФО: 01033

Директор: \_\_\_\_\_  
(имзо)  
М.Ў.

М.А.Атажанов  
(Ф.И.О.)

Директор: \_\_\_\_\_ З.Б.Бахрамов  
(имзо) (Ф.И.О.)  
М.Ў.

Бош юрисконсулт: